

**ҚДШИ тарих факультети Миллий ғоя, маънавият асослари ва
хуқуқ таълими кафедрасининг навбатдан ташқари йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

2015 23 ноябрь

Қўқон шаҳри.

Қатнашдилар :

Кафедра мудири : ф.ф.н. доц.
З.Бойтемирова, ю.ф.н.доц. Н.Сиддиқов,
ф.ф.н. доц. М.Аминова, ф.ф.н. доц.
М.Юлдашева, ф.ф.н. доц.Темирбоев М,
катта ўқ. Салимов М, Хамрақулов З,
Кабилов И, Хасанов Ш, Ортиқов О,
Худойбергандов Ш, Шарипова О,
Исмоилова Г, Ўринбоев Д, Аюбжонов И,
Норматов Т, Қулматов Қ, Ж.Давлатов,
Абдупаттаев Х, Аъзамов Ж, Қурбонов Ж,
Орипов Э.

Кун тартиби .

1. Кафедра ўқитувчилари З.Бойтемирова ва З.Хамрақулов томонидан ёзилган “Ахлоқий адолат ва унинг фалсафий таҳлили” мавзусидаги илмий қўлланмаси муҳокамаси

Кафедра мудири З.Бойтемирова сўзга чиқиб, институт илмий Кенгашига чоп этиш учун таклиф қилинаётган ушбу қўлланма ҳақида ўз фикрларини билдирди: “Мен кафедрамиз ўқитувчиси З.Хамрақулов билан бирга ахлоқий адолат ва унинг Марказий Осиё халқлари тарихидаги ўрганилиши муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб бориб, ниҳоят эътиборларингга ҳавола этилаётган мазкур қўлланмани яратдик. Бу ҳақдаги сўз навбатини иккинчи муаллифимизга берсак”.

З.Хамрақулов сўзи: “Қўлланмани яратиш жараёнида биз фалсафа ва этика тарихига оид кўплаб материалларни текшириб чиқдик. Шунингдек, ҳозирги давр олимларининг илмий хулосаларидан ҳам фойдаландик. Фалсафа тарихида нисбатан кам ўрганилган ушбу мавзу бўйича қатор илмий хулосаларимизни баён этдик. Мазкур йиғилишимиздан олдин Сизларга тақдим этилган қўлланмамизни ўрганиб чиққан бўлсангиз фикрларингиз биз учун амалий ёрдам бўлган бўлар эди”.

Доцент М.Темирбоев сўзи: “Ахлоқшунослик йўналиши бўйича чоп этилган адабиётларда ахлоқий адолат масаласи анчагина кам ўрганилган бўлиб, муаллифлар ишга ижодқорона ёндашганлар. Адолат тушунчасининг моҳиятини очиб беришдан ташқари, ахлоқий адолатнинг фалсафий-тарихий таҳлилинини ҳам олиб боришган. Қўлланмада билдирилган назарий қарашлар

илмий жиҳатдан янги бўлиб улар муқаддам бошқа мандбаларда чоп этилмаган. Қўлланмани нашрга тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайман”.

Доцент М.Юлдашева сўзи: “Мен ушбу қўлланма билан танишиб чиқиб шунга амин бўлдимки, муаллифлар илмий изланишлар давомида жуда кўп манбалар билан ишлаганлар. Чиқарилган илмий хулосалар этика фани учун янгилик бўлиб, улардан фалсафа тарихи ва назарияси, фалсафанинг умумназарий масалалари, ахлоқшунослик, маънавиятшунослик, маданиятшунослик, педагогика, диншунослик, давлат ва ҳуқуқ тарихи каби фанларда фойдаланиш мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда қўлланмани нашр этиш учун институт илмий кенгаши муҳокамасига тақдим этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман”.

Шундан сўнг сўзга чиққан катта ўқитувчи М.Салимов, ўқитувчилар О.Шарипова, И.Кабиров, Т.Норматов ва бошқалар уларнинг фикрларини қўлаб-қувватлаб, қўлланмани нашр қилиш учун тавсия этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. З.Бойтемирова ва З.Хамрақуловлар томонидан тайёрланган “Ахлоқий адолат ва унинг фалсафий таҳлили” мавзусидаги илмий қўлланма тасдиқлансин.
2. Қўлланмани институт илмий Кенгашига муҳокама учун тавсия қилинсин.

Кафедра мудир:

З.Бойтемирова

Котиб:

А.Марозиқов

**Кўқон ДПИ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
кафедраси доценти З.Бойтемирова ва ўқитувчи З.Хамрақулов
томонидан ёзилган “Ахлоқий адолат ва унинг фалсафий таҳлили”
мавзусидаги қўлланма электрон ахборот таълим ресурсига**

ТАҚРИЗ

Адолатнинг ахлоқий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари шахсларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларидаги хулқ-атворлари ва жамиятда қарор топган қадриятлар таъсирида намоён бўлади. Бу ерда жамиятда адолатга таянган ахлоқий меъёрлар билан шахс хулқ-атвори ўртасида зиддиятли ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бундай қарама-қаршиликларни тўғри баҳолаш, уни бартараф этиш чораларини излаш, зарурий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш маънавий ахлоқий барқарорлик қарор топишига хизмат қилади. Бу фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнини тезлашувига ёрдам беради.

Ахлоқшунослик йўналиши бўйича чоп этилган адабиётларда ахлоқий адолат масаласи анчагина кам ўрганилган бўлиб, муаллифлар ишга ижодкорона ёндашганлар. Адолат тушунчасининг моҳиятини очиқ беришдан ташқари, ахлоқий адолатнинг фалсафий-тарихий таҳлилини ҳам олиб боришган. Қўлланмада “Авесто”даги ахлоқий адолат ҳақидаги қарашлардан бошлаб ҳозирги давр олимларининг бу ҳақдаги қарашларигача бўлган манбаларга мурожаат қилишган.

Муаллиф ўз тадқиқотида Президентимиз И.А.Каримов асарлари, олимларимизнинг илмий қарашлари ва статистик маълумотларни атрофлича таҳлил қилиб, жамият таракқиётида адолатнинг ўрнини нечоғлик аҳамиятлилигини кўрсатиб берган.

Қўлланмадан ахлоқшунослик, фалсафа тарихи ва назарияси, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, маънавият асослари, миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар ҳамда бошқа фалсафий фанлар ўқитилишида фойдаланиш мумкин. Қўлланмада акс эттирилган маълумотлардан ушбу фанларни ўқитилишида фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Қўлланмада билдирилган назарий қарашлар илмий жиҳатдан янги бўлиб улар муқаддам бошқа манбаларда чоп этилмаган. Қўлланмани электрон ахборот таълим ресурси Ziyonet тармоғига жойлаштиришга тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайман.

**ҚДПИ доценти, фалсафа
фанлари номзоди:**

М.Темирбоев

**Қўқон ДШИ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
кафедраси доценти З.Бойтемирова ва ўқитувчи З.Хамрақулов
томонидан ёзилган “Ахлоқий адолат ва унинг фалсафий таҳлили”
мавзусидаги ўқув қўлланмага**

ТАҚРИЗ

Халқимиз тақдири ва кадриятларига тегишли бўлган тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллатимиз маънавиятининг ўрганилмаган соҳаларини очиб бериш ҳамда ёшларда бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришнинг ахлоқий моҳияти адолат тушунчасининг илмий-назарий ва тарбиявий асосларини мустаҳкамлашни тақазо этади.

Ахлоқшунослик йўналиши бўйича чоп этилган адабиётларда ахлоқий адолат масаласи анчагина кам ўрганилган бўлиб, муаллифлар ишга ижодкорона ёндашганлар. Адолат тушунчасининг моҳиятини очиб беришдан ташқари, ахлоқий адолатнинг фалсафий-тарихий таҳлилини ҳам олиб боришган. Қўлланмада “Авесто”даги ахлоқий адолат ҳақидаги қарашлардан бошлаб ҳозирги давр олимларининг бу ҳақдаги қарашларигача бўлган манбаларга мурожаат қилишган.

Муаллифлар ўз тадқиқотида фалсафий меросимиздаги мутафаккирларнинг ахлоқий адолатга бағишланган қарашлари ҳақидаги олимларимизнинг илмий хулосаларини ҳам тадқиқ этишган. Ўз қарашлари билан жамият тараққиётида адолатнинг ўрнини нечоғлик аҳамиятлилигини кўрсатиб берганлар.

Ушбу қўлланмада муаллифлар илмий изланишлар давомида жуда кўп манбалар билан ишлаганлар. Чиқарилган илмий хулосалар этика фани учун янгилик бўлиб, улардан фалсафа тарихи ва назарияси, фалсафанинг умумназарий масалалари, ахлоқшунослик, маънавиятшунослик, маданиятшунослик, педагогика, диншунослик каби фанларда фойдаланиш мумкин.

Қўлланмада билдирилган назарий қарашлар илмий жиҳатдан янги бўлиб улар муқаддам бошқа манбаларда чоп этилмаган. Қўлланмани нашрга тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайман.

**ҚДШИ доценти, фалсафа
фанлари номзоди:**

М.Юлдашева